

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI  
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR  
BERUVCHI DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. RAQAMLI ILMIY KENGASH  
ASOSIDAGI BIR MARTALIK ILMIY KENGASH**

---

**GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI**

**MUSURMANKULOVA SHAXRIBON GULMURODOVNA**

**O‘ZBEKCHA VA TURKCHA FRAZEMALAR KORPUSINING  
LINGVISTIK TA‘MINOTI**

**10.00.06 – Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog‘ishtirma  
tilshunoslik va tarjimashunoslik**

**FILOLOGIYA FANLARI BO‘YICHA FALSAFA DOKTORI (PhD)  
DISSERTATSIYASI AVTOREFERATI**

**Toshkent – 2024**

UO‘K: 811.512.133'373.7+811.512.161'373.7

**Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi  
avtoreferati mundarijasi**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Ontents of dissertation abstrat of doctor of philosophy (PhD) on  
philological scienes**

**Musurmankulova Shaxribon Gulmurodovna**

O‘zbekcha va turkcha frazemalar korpusining lingvistik ta’minoti..... 3

**Мусурманкулова Шахрибон Гулмуродовна**

Лингвистическая база корпуса узбекских и турецких фразем.....24

**Musurmankulova Shakhribon Gulmurodovna**

Linguistic base of the corps of uzbek and turkish phrases.....48

**E’lon qilingan ishlar ro‘uxati**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....52**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI  
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR  
BERUVCHI DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. RAQAMLI ILMIY KENGASH  
ASOSIDAGI BIR MARTALIK ILMIY KENGASH**

---

**GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI**

**MUSURMANKULOVA SHAXRIBON GULMURODOVNA**

**O‘ZBEKCHA VA TURKCHA FRAZEMALAR KORPUSINING  
LINGVISTIK TA‘MINOTI**

**10.00.06 – Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog‘ishtirma  
tilshunoslik va tarjimashunoslik**

**FILOLOGIYA FANLARI BO‘YICHA FALSAFA DOKTORI (PhD)  
DISSERTATSIYASI AVTOREFERATI**

**Toshkent – 2024**

**Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi mavzusi O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasida B2022.2.PhD/Fil2581raqam bilan ro‘yxatga olingan.**

Dissertatsiya Guliston davlat universitetida bajarilgan.

Dissertatsiya avtoreferati uch tilda (o‘zbek, rus, ingliz (rezyume)) Ilmiy kengash veb-sahifasida ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)) va “ZiyoNet” Axborot-ta’lim portalida ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) joylashtirilgan.

**Ilmiy rahbar:**

**Xolmanova Zulxumor Turdiyevna**  
filologiya fanlari doktori, professor

**Rasmiy opponentlar:**

**Normamatov Sultonbek Ermamatovich**  
filologiya fanlari doktori, professor

**Imamova Xolida Kamalovna**  
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori,  
dotsent

**Yetakchi tashkilot:**

**Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti**

Dissertatsiya himoyasi Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 raqamli Ilmiy kengash asosidagi bir martalik Ilmiy kengashning 2024-yil \_\_\_\_\_soat \_\_\_\_\_dagi majlisida bo‘lib o‘tadi. (Manzil: 100100, Toshkent, Yakkasaroy tumani, Yusuf Xos Hojib ko‘chasi, 103. Tel.: (99871) 281-42-44; faks: (99871) 281-42-44, e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz)).

Dissertatsiya bilan Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetining Axborot-resurs markazida tanishish mumkin (\_\_\_\_\_ raqam bilan ro‘yxatga olingan). (Manzil: 100100, Toshkent, Yakkasaroy tumani, Yusuf Xos Hojib ko‘chasi, 103. Tel.: (99871) 281-42-44; faks: (99871) 281-42-44).

Dissertatsiya avtoreferati 2024-yil « \_\_\_\_\_ » kuni tarqatildi.

(2024-yil « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_dagi \_\_\_\_\_ raqamli reyestr bayonnomasi)

**H.A.Dadaboyev**

Ilmiy darajalar beruvchi  
Ilmiy kengash asosidagi bir  
martalik Ilmiy kengash raisi,  
filol.f.d., professor

**Q.U.Pardayev**

Ilmiy darajalar beruvchi  
Ilmiy kengash asosidagi bir  
martalik Ilmiy kengash ilmiy  
kotibi, filol.f.d., professor

**B.B.Abdushukurov**

Ilmiy darajalar beruvchi  
Ilmiy kengash asosidagi bir  
martalik Ilmiy kengash qoshidagi  
ilmiy seminar raisi, filol.f.d.,  
professor

## **KIRISH (falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi annotatsiyasi)**

**Dissertatsiya mavzusining dolzarbligi va zarurati.** Jahon tilshunosligida qiyosiy-tarixiy grammatika, tillarni qiyosiy o'rganish, komparativistika masalalariga bag'ishlangan tadqiqotlar eng qadimiy va, o'z navbatida, zamonaviy tadqiqot mavzularidan biri bo'lib kelmoqda. Tillarni qiyosiy-tarixiy jihatdan o'rganish, dastavval, o'xshash tillarning qardoshlik asosini aniqlashga qaratilgan bo'lsa, keyingi davrlarda tillarning umumiy va xususiy taraqqiyot bosqichlarini yoritish, sinxron ravnaqning tarixiy rivojlanish aspektlarini ko'rsatishga xizmat qiladi. Qardosh tillarni qiyoslash tillar yuksalishidagi universal belgilarni umumlashtirish va xos xususiyatlarni ajratish, fonetik, leksik, grammatik o'zgarishlarning ekstralingvistik va intralingvistik omillarini ko'rsatish, mushtarak qonuniyatlarni aniqlash, til egalarining baholash va munosabat bildirishdagi subyektiv yondashuv asoslarini belgilash imkonini beradi.

Dunyo tilshunosligida rivojlangan kompyuter texnologiyalari lingvistik jarayonlarni avtomatlashtirish, tabiiy tilni kompyuter tiliga aylantirish vazifasini qo'ydi. Kompyuter lingvistikasi til masalalarini hal qilishda axborot texnologiyalarining yangi va takomillashgan ko'rinishini ifoda etadi. Kompyuter lingvistikasining alohida yo'nalishi sifatida yuzaga kelgan korpus lingvistikasi milliy til va turli tillardagi korpuslar tizimini yaratish, ma'lumotlar bazasi sifatida shakllantirish tamoyillari, metod va metodologiyasi bilan shug'ullanadigan soha bo'lib, bu borada olib boriladigan tadqiqotlar milliy tillar taraqqiyotiga xizmat qiladi. Parallel matnlar korpusi ikki va ko'p tillardagi matnlarning muqobil tarjima variantlariga asoslanadi. Komparativistika, qiyosiy-tarixiy tilshunoslik, avtomatik tarjima masalalarini hal qilishga amaliy yordam beruvchi parallel matnlar korpusini yaratish, lingvistik ta'minotini shakllantirish axborot asri tillari uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Mustaqillikdan keyin o'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini oshirishga mamlakat miqyosida jiddiy e'tibor berildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari va qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qarorlarida o'zbek tilini rivojlantirish chora-tadbirlari ishlab chiqildi. O'zbek tili taraqqiyotida tarixiy rivojlanish bosqichlarini o'rganish, uning qardosh tillar bilan munosabatini yoritish, o'zbek tilini shu til mansub bo'lgan turkiy tillarga qiyoslash, umumturkiy taraqqiyotga xos mushtarak xususiyatlarni aniqlash, o'ziga xos jihatlarini asoslash dolzarb ahamiyat kasb etadi. Qolaversa, axborot asrida ma'lumotlarni tez va qulay yetkazib berish vazifalari belgilangan. Korpuslar taraqqiyoti, parallel korpuslarning komparativistika, qiyosiy tilshunoslik masalalarini yechishga yo'naltirilishi madaniyatlararo muloqot va tillararo munosabat kontekstida muhim o'rin tutadi. O'zbek va turk tillaridagi frazemalarning parallel korpusini shakllantirish asoslari turkologiya va o'zbek tilshunosligidagi tadqiqotlarda keltirilgan nazariy ma'lumotlarga asoslanadi. Avvalo, o'zbek-turk frazemalar korpusini shakllantirish me'yoriy-huquqiy asoslariga ega. Jumladan, "...turkiy tilli davlatlar bilan hamkorlik jarayonlarini rivojlantirish maqsadida o'zbek tilining qardosh tillar bilan tarjima lug'atlarini hamda ularning mobil

ilovalarini yaratish”<sup>1</sup> bugungi kunda dolzarb masalalardan biriga aylandi. O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini oshirishga qaratilgan farmonlar, turkiy tilli davlatlar hamdo‘stligi, turkologiya masalalarini o‘rganishni takomillashtirish yuzasidan bir qator hujjatlar qabul qilingan. 2017-yil 25-26-oktabr kunlari O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Turkiya Respublikasiga rasmiy tashrifi va Turkiya Respublikasi Prezidentining 2018-yil 29-aprel–1-may kunlari O‘zbekistonga rasmiy tashriflari doirasida ilm-fan va ta’lim sohasida hamkorlikdagi loyihalarni taqdim etuvchi me’yoriy-huquqiy hujjatlar imzolandi<sup>2</sup>.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 16-fevraldagi PF-4958-son “Oliy o‘quv yurtidan keyingi ta’limni yanada takomillashtirish to‘g‘risida”, 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-son “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”, 2019-yil 21-oktabrdagi PF-5850-son “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”, 2020-yil 20-oktabrdagi PF-6084-son “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonlari, 2022-yil 21-iyundagi PQ-289-son “Pedagogik ta’lim sifatini oshirish va pedagog kadrlar tayyorlovchi oliy ta’lim muassasalari faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, 2021-yil 19-yanvardagi O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Murojaatnomasi hamda mazkur faoliyatga tegishli me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda ushbu dissertatsiya ishi muayyan darajada xizmat qiladi.

**Tadqiqotning respublika fan va texnologiyalari rivojlanishining asosiy ustuvor yo‘nalishlariga bog‘liqligi.** Mazkur tadqiqot respublika fan va texnologiyalar rivojlanishining I. “Axborotlashgan jamiyat va demokratik davlatni ijtimoiy, huquqiy, iqtisodiy, madaniy, ma’naviy-ma’rifiy rivojlantirishda innovatsion g‘oyalar tizimini shakllantirish va ularni amalga oshirish yo‘llari” ustuvor yo‘nalishi bilan bog‘liq.

**Muammoning o‘rganilganlik darajasi.** Dunyo tilshunosligidagi aksariyat tadqiqotlar frazemalarning qiyosiy hamda chog‘ishtirma aspektdagi tadqiqiga bag‘ishlangan. Jumladan, Ch.Timea<sup>3</sup>, I.Gorodetskaya<sup>4</sup>, A.Abramova<sup>5</sup>, T.Spirina<sup>6</sup>,

---

<sup>1</sup>O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 20-oktabrdagi “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6084-son farmoni// <https://lex.uz/docs/5058351>.

<sup>2</sup>O‘zbekiston-Turkiya: Buyuk tarix bunyod etgan ikki ulug‘ xalq. Xalq so‘zi, 2018- yil 27- aprel №84 (7042).

<sup>3</sup>Тимеа Ч. Соматические фразеологизмы в русском и венгерском языках. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 1999. – 24 с.

<sup>4</sup>Городецкая И.Е. Фразеологизмы-соматизмы в русском и французском языках. Дисс. канд. филол. наук. – Пятигорск, 2007. – 233 с.

<sup>5</sup>Абрамова А.Г. Фразеологические единицы с компонентами соматизмами в разноструктурных языках: На материале русского и чувашского языков. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Чебоксары, 2005. – 20 с.

<sup>6</sup>Спирина Т.С. Фразеологические единицы английского, русского и немецкого языков, характеризующие власть, с компонентами-соматизмами. Лингвистика и перевод. *Lingua mobilis*. № 3 (41), 2013. – С. 133-139.

Ch.Guantze<sup>7</sup>, Y.Arsentyeva<sup>8</sup>, L.Xolmuradovalar<sup>9</sup> turli tillardagi frazemalarni qiyosiy va chog‘ishtirma aspektga o‘rganganlar. Turkiyshunoslikda esa, qozoq tili frazemalarining leksik-semantik xususiyatlari S.Kenesbayev<sup>10</sup>, R.Jaysakova<sup>11</sup>, K.Kalibayeva<sup>12</sup>, G.Kusimova<sup>13</sup>, B.Umabayeva<sup>14</sup>, R.Avakova<sup>15</sup>lar tomonidan, ozarbayjon tilidagi frazemalar G.Bayramov<sup>16</sup>, turkman tili frazemalari R.Annayeva<sup>17</sup>, tatar tili frazemalari G.Gizatova<sup>18</sup>, qoraqalpoq tili frazemalari Sh.Xojanov<sup>19</sup>lar tomonidan tadqiq etilgan. S.Kenesbayev frazeologizmlardagi turg‘unlik hamda tayyor holda yaxlit mavjudlik belgilarini keng yoritgan<sup>20</sup>. S.Muratov turkiy tillardagi terminlashgan so‘z birikmalari, turg‘un frazeologik nutqiy ifodalar, barcha turg‘un so‘z birikmalarini frazeologiya obyekti sifatida tahlil qilgan<sup>21</sup>. Z.Uraksin tayyor holda mavjud, a‘zolari orasidagi o‘zaro bog‘lanishi turg‘un va yaxlit ma‘noli frazemalarni tahlil qilib, obrazlilik bilan farqlanishini ko‘rsatadi<sup>22</sup>.

O‘zbek frazeologiyasining shakllanishi va rivojlanishida Sh.Rahmatullayevning alohida o‘rni bor<sup>23</sup>. Sh.Rahmatullayev frazema tushunchasini tor ma‘noda, faqat ko‘chma ma‘noga asoslangan barqaror birliklar sifatida tavsifladi. Frazemalardagi shakl va ma‘no munosabati, ko‘p ma‘nolilik, ma‘nodoshlik, antonimlik, shakldoshlik, variantdoshlik hodisalarini tahlil qildi<sup>24</sup>.

<sup>7</sup>Гуантзе Ч. Фраzeология тела в русском языке глазами носителя китайской лингвокультуры. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –М., 2013. –23 с.

<sup>8</sup>Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц (на материале фразеологических единиц, семантически ориентированных на человека, в английском и русском языках). –Казань: изд-во Казанского ун-та, 1989. –128 с.

<sup>9</sup>Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларида образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талкини (Лингвомаданий аспект). Филол. фан. б. фалс. док. дисс. автореф. –Тошкент, 2017. –50 б.

<sup>10</sup>Кенесбаев С.К. О некоторых особенностях фразеологических единиц казахском языке. Известия АН Казахской ССР, Серия филология искусствоведения. Вып. 1-2 –Алма-Ата, 1954. –С.6-28.

<sup>11</sup>Жайсакова Р.Е. Семантико-грамматическая структура фразеологизмов в казахском языке. Дисс. канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1980. –276 с.

<sup>12</sup>Калыбаева К.С. Диалектные фразеологизмы в казахском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Алматы, 1994. – 27 с.

<sup>13</sup>Кусимова Г. Фразеологизмы в казахском эпосе. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Алма-Ата, 1991. –24 с

<sup>14</sup>Умабаева Б.К. Этнолингвистическая характеристика... глагольных фразеологизмов в казахском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алматы, 1994. – 21 с.

<sup>15</sup>Авакова Р.Э. Фразеологиялық семантика. –Алматы: Қазақ Университеті, 2002. –150 б.

<sup>16</sup>Байрамов Г. А. Фразеологические основы Азербайджанского языка. –Баку: Маариф, 1987. –176 с.

<sup>17</sup>Аннаева Р.Х. Фразеологические устойчивые словосочетания в памятниках туркменского языка (по названиям частей тела). –Ашхабад: Ёлым, 1985. –144 с.

<sup>18</sup>Гизатова Г.К. Компаративные фразеологические единицы (КФЕ) современного татарского литературного языка. Дисс. канд. филол. наук. –Казань, 1983. –178 с.; Сопоставительный анализ компаративных фразеологических единиц английского и татарского языков. –Казань: изд-во Казанского ун-та, 2006. – 195 с.

<sup>19</sup>Хожанов Ш. Б. Фразеологические антонимы в каракалпакском языке и их отношения к частям речи. Актуальные вопросы филологической науки XXI века: сб. статей V Междунар. науч. конф. молодых ученых. — Екатеринбург: Уральский федеральный университет, 2016. — С. 151-155.

<sup>20</sup>Кенесбаев С.К. О некоторых особенностях фразеологических единиц казахском языке. Известия АН Казахской ССР, Серия филология искусствоведения. Вып. 1-2. –Алма-Ата, 1954. –С.6-28.

<sup>21</sup>Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. –М.: Издательство восточной литературы, 1961. –130 с.

<sup>22</sup>Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. – М.: Наука, 1975. –192 с.

<sup>23</sup>Рахматуллаев Ш. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –М.,1952. –16 с.

<sup>24</sup>Рахматуллаев Ш. Ёзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент: Фан, 1966. –262 б.

Bundan tashqari A.Isayev<sup>25</sup>, Abdi Mamatov<sup>26</sup>, Abdug‘afur Mamatov<sup>27</sup>, B.Yo‘ldoshev<sup>28</sup>, Sh.Almamatova<sup>29</sup>, A.Rafiyev<sup>30</sup>, Q.Hakimov<sup>31</sup>, A.Nurmonov<sup>32</sup> singari olimlar frazemalarni turli xususiyatlariga ko‘ra tadqiq qilishgan.

XX asrning oxirlariga kelib o‘zbek tili frazemalarini qiyosiy va chog‘ishtirma aspektda o‘rganishga keng e‘tibor qaratildi. G.Ergasheva<sup>33</sup>, A.Nasirov<sup>34</sup>, G.Adashulloyeva<sup>35</sup>, Sh.Raximova<sup>36</sup>, G.Kurbanova<sup>37</sup>, N.Turapova<sup>38</sup>, M.Radjabova<sup>39</sup>lar o‘zbek tili frazemalarini turli tillar bilan qiyoslab-chog‘ishtirib qiyosiy-tipologik, leksik-semantik, lingvomadaniy xususiyatlarini ochib berdilar.

Keyingi yillarda o‘zbek tilidagi frazemalarni yangicha yondashuv asosida tahlil qilishga yo‘naltirilgan tadqiqotlar yuzaga keldi. Sh.Ganiyeva o‘zbek tilidagi frazeologik birliklarni struktur-grammatik jihatdan o‘rganib, frazeologik birliklarning integral, aksiologik belgilari va gradatsiyasi, shuningdek, ularning o‘zgaruvchan paradigmatlari, temporalligi, kvantitativligi masalalarini yoritgan, o‘zbek tilidagi frazeologik birikma modellarini taqdim etgan<sup>40</sup>. O‘zbek tilidagi somatik frazeologizmlar semantik, pragmatik jihatdan tahlil etilgan<sup>41</sup>.

Turk tili frazemalarining tartibga solinishi va tadqiq etilishi Ö.Aksoy nomi bilan bog‘liq. Ö.Aksoy turkshunoslikda frazemalar borasida qilingan eng

---

<sup>25</sup>Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка. Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1977. –196 с.

<sup>26</sup>Маматов Абди. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Тошкент: Фан, 1991. –274 б.

<sup>27</sup>Маматов Абдуғафур. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари. Филол. фан. док. дисс. автореф. –Тошкент, 2000. –50 б.

<sup>28</sup>Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик birlikларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. –Тошкент, 1993. –297 б.; Шу муаллиф. Фразеологик услубият асослари. –Самарқанд: СамДУ, 1999. –200 б.; Шу муаллиф. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 3-4-сон. –Б.37-42.; Шу муаллиф. Фразеология тарихидан лавҳалар. –Самарқанд: Сугдиёна, 1998. –110 б.

<sup>29</sup>Алматов Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 2008. –114 б.

<sup>30</sup>Рафиев А. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка. Дисс. канд. филол. наук. –Ташкент, 1982. –132 с.

<sup>31</sup>Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипши фраземаларнинг зарурий бирикувчанликлари. Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Тошкент, 1994. –24 б.

<sup>32</sup>Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –232 б.

<sup>33</sup>Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг киёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 2011. –165 б.

<sup>34</sup>Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. автореф. –Тошкент, 2016. – 96 б.

<sup>35</sup>Адашуллоева Г. Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг киёсий-типологик таҳлили. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Самарқанд, 2018. –145 б.

<sup>36</sup>Рахимова Ш.П. Инглиз тили идиоматик ибораларини ўзбек тилига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. –166 б.

<sup>37</sup>Курбанова Г. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. –Тошкент, 2019. –194 б.

<sup>38</sup>Турапова Н. Япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларининг чоғиштирма таҳлили (лингвомаданий аспект). Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. –Тошкент, 2020. –146 б.

<sup>39</sup>Раджабова М.А. Ономастик компонентли фразеологик birlikларнинг лингвомаданий жиҳати ва таржима муаммолари (инглиз, ўзбек, рус тиллари материалида). Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2020. –56 б.

<sup>40</sup>Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. –136 б.

<sup>41</sup>Рашидова У.М. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. –Самарқанд, 2018. –Б.24-25.

mukammal lugʻatlarni yaratdi<sup>42</sup>. Turkcha maqol va frazeologizmlar T.Banguoğlu izlanishlarida tahlil etilgan<sup>43</sup>. M.Hengirmen turk tilidagi frazeologizmlarning nazariy asoslarini yoritdi<sup>44</sup>. Turk tilida frazemalar tarkiblari tahliliga bagʻishlangan izlanishlar ham olib borilmoqda<sup>45</sup>.

Oʻzbek va turk tillari frazemalarining qiyosiy tahliliga bagʻishlangan izlanishlar koʻp emas. Sh.Usmonova oʻzbek va turk tillaridagi somatik frazeologizmlar tahliliga oid nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi<sup>46</sup>. X.Xomidov “Turk tilida frazeologizmlarning yuzaga kelishi, maʼno va grammatik xususiyatlari” mavzusida tadqiqot olib borgan<sup>47</sup>.

Tillardagi frazemalar qiyosini aks ettiruvchi asosiy manbalardan biri lugʻatlardir. A.Kun<sup>48</sup> va Oxford Concise Dictionary of Proverbs<sup>49</sup> lugʻatlarida mingga yaqin frazemalarning tarjimai va izohi berilgan.

Jahon tilshunosligida parallel korpuslar tahliliga bagʻishlangan monografik plandagi ishlar kam<sup>50</sup>. Parallel korpuslarning tarkibi, tuzilishi, koʻrinishlari korpus tadqiqiga oid izlanishlarda izohlangan. Oʻzbek tilshunosligida S.Muhamedova, N.Abdurahmonova, M.Abjalova, Sh.Hamroyeva, A.Eshmuminov, G.Toirova, A.Raxmonova, M.Xolova, R.Karimov, N.Gʻulomovalar<sup>51</sup> korpus lingvistikasi boʻyicha tadqiqot olib borishgan.

---

<sup>42</sup>Aksoy Ö.A. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, 1. Atasözleri Sözlüğü, İstanbul, İnkılap Kitabevi, 1991, 1994. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü-2. Deyimler Sözlüğü, 3. Dizin ve Kaynakça Dördüncü Baskı, Türk dil kurumu Yayınları, Ankara, 1984. Bölge Ağızlarında Atasözleri ve Deyimler, 1.2. Cilt, Ankara Üniversitesi Basımevi. –Ankara, 1996.

<sup>43</sup>Banguoğlu T. Türkçenin Grameri. –Ankara, 1998. – 141 s.

<sup>44</sup>Hengirmen M. Türkçe Dilbilgisi. –Ankara, 1997. – 415 s.

<sup>45</sup>Қаҗарова Н. Түркчеде Гөз иле Баҗlayan Дeyimler. –Ankara: Түрк Dil. Sayı: 650, 2014. – S.129-133.

<sup>46</sup>Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1998. – 162 б.

<sup>47</sup>Хомидов Х. Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. –151 б.

<sup>48</sup>Кун А. Англо-русский фразеологический словарь. –М.: Русский язык, 1984. –944 с.

<sup>49</sup>Oxford Concise Dictionary of Proverbs.

<https://www.oxfordreference.com/display/10.1093/acref/9780199539536.001.0001/acref-9780199539536>, 2003.

<sup>50</sup>Беляева Л.Н. Лексикографический потенциал параллельного корпуса текстов. Труды международной конференции «Корпусная лингвистика – 2004». – СПб., 2004. – С. 55-64.; Гарабик Р., Захаров В.П. Параллельный русско-словацкий корпус. Труды международной конференции «Корпусная лингвистика – 2006». – СПб., 2006. – С. 81-82.

<sup>51</sup>Муҳамедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. –Тошкент, 2006.; Ҳамроева Ш.М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2018. –54 б.; Abdurahmonova N.Z. Oʻzbek tili elektron korpusining kompyuter modellari. Filol. fan. dok. (DSc) diss. avtoref. –Toshkent, 2021. –72 b.; Эшмуминов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2019. –46 б.; Тоирова Г.И. Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари. Филол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. –Бухоро, 2021. –72 б.; Абжалова М.А. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун). Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. –Тошкент, 2019. –164 б.; Раҳмонова А. Ўзбек тили миллий корпусини яратишда компьютер усуллари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. –Тошкент, 2022. –137 б.; Холова М. Ўзбек миллий шевалари корпусини тузишнинг лингвистик асослари. (Бойсун тумани “ж” ловчи шевалар мисолида). Филол. фан. б. фалс. док. дисс.–Термиз, 2022. –137 б.; Каримов Р. Ўзбек-инглиз параллел корпусини тузишнинг лингвистик ва дастурий масалалари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2022. –56 б.; Gʻulomova N.S. Alisher Navoiy mualliflik korpusi va uning semantik teglari bazasini yaratish (“Badoyeʼ ul-vasat” devoni asosida). Filol. fan. b. fals. dok (PhD) diss. avtoref. –Toshkent, 2023. –58 b.

O‘zbek va turk tillaridagi frazemalar tarjimashunoslik va parallel korpus ta’minoti nuqtayi nazaridan monografik planda o‘rganilmagan.

**Tadqiqot mavzusining dissertatsiya bajarilayotgan oliy ta’lim va ilmiy-tadqiqot ishlari bilan bog‘liqligi.** Dissertatsiya mavzusi Guliston davlat universiteti “O‘zbek tilshunosligi” kafedrasida ilmiy-tadqiqot ishlari rejasining “Tilning ijtimoiy, tarixiy va zamonaviy taraqqiyoti” mavzusi doirasida amalga oshirilgan.

**Tadqiqotning maqsadi:** o‘zbek-turk parallel korpusi uchun o‘zbekcha-turkcha frazemalarning qiyosi va tarjimasiga asoslangan lingvistik ta’minotini shakllantirish, o‘zbek-turk frazemalarini modellashtirish, informatsion-qidiruv tizimiga moslashtirish, razmetka teglarini ishlab chiqish va asoslashdan iborat.

**Tadqiqotning vazifalari:**

o‘zbek va turk tillaridagi frazemalarni tizimlashtirish, lingvostatistik jihatdan tahlil qilish;

o‘zbek va turk tillaridagi frazemalarning morfologik va sintaktik modellashtirilgan lingvistik ta’minotini shakllantirish;

mavjud nazariyalar asosida o‘zbek-turk frazemalari parallel korpusining kompyuter texnologiyasi va usullarini ishlab chiqish;

o‘zbekcha va turkcha frazemalarning mazmuniy munosabatlarini izohlash, lisoniy-madaniy, lingvokulturologik farqlarni aniqlash.

**Tadqiqotning obykti** sifatida “O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati”<sup>52</sup>, “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”<sup>53</sup>, “Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü II. Deyimler Sözlüğü”<sup>54</sup>, shuningdek badiiy matn hamda shevalardagi frazemalar belgilandi.

**Tadqiqotning predmetini** o‘zbek va turk tillaridagi frazemalarning shakl va mazmun muvofiqligi, frazemalarni tarjima qilish usullari, parallel korpus uchun mo‘ljallangan ma’lumotlar bazasini tartiblash, modellashtirish va frazemalarni razmetkalash tashkil qiladi.

**Tadqiqotning usullari.** Mavzuni yoritishda tavsiflash, tasniflash, sistem-struktur, modellashtirish, teglash, komponent tahlil, kognitiv-semantik, statistik, sintaktik tahlil usullaridan foydalanildi.

**Tadqiqotning ilmiy yangiligi:**

o‘zbek va turk tillaridagi frazemalar ilk bor shakl-mazmun tamoyili asosida tizimlashtirilib hamda lingvostatistik jihatdan tekshirilib, shakl va mazmuniga ko‘ra muvofiq, shaklan farqlanuvchi-mazmunan muvofiq, shakl va mazmun jihatdan farqlanuvchi frazemalar dalillangan;

o‘zbek va turk tillaridagi frazemalar struktur-semantik jihatdan ochib berilib, parallel frazemalarning morfologik va sintaktik modellashtirilgan, tarkibiy xususiyatlariga ko‘ra teglangan lingvistik ta’minoti yaratilgan;

<sup>52</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.–380 б.

<sup>53</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.

<sup>54</sup>Aksoy Ö. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü II. Deyimler Sözlüğü. Dördüncü baskı. –Ankara: Türk dil kurumu, 1984. –575 s.

o‘zbekcha va turkcha frazemalarning mazmuniy munosabatlari izohlanib, semantik farqlarning lisoniy-madaniy, lingvokulturologik asoslari aniqlangan hamda o‘zbek va turk tillari egalari lisoniy ongi bilan bog‘liq kognitiv modellar ishlab chiqilgan;

o‘zbek va turk tillarining o‘ziga xos frazemalari aniqlanib, struktur-semantik jihatdan tavsiflanib, frazemalar tarjimasini bilan bog‘liq muammolarni bartaraf etishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Tadqiqotning amaliy natijalari** quyidagilardan iborat:

o‘zbek va turk tillaridagi frazemalarni qiyoslash hamda o‘zbek-turk parallel korpusi ma’lumotlar bazasini shakllantirish jarayonida olingan xulosalar turkiy tillar frazeologiyasi taraqqiyotining umumiy va xususiy belgilarini ajratishga xizmat qilgan;

o‘zbek-turk tillaridagi frazemalarning tizimlashtirilgan va teglangan ma’lumotlar bazasi o‘zbek va turk tillarini o‘qitish, avtomatik tarjima jarayonini takomillashtirish, badiiy matnlar tarjimasini sifatli amalga oshirishi dalillangan;

“o‘zbek-turk tillaridagi frazemalar parallel korpusining tizimlashtirilgan va teglangan ma’lumotlar bazasi” yaratilib, ushbu lingvistik ta’minot o‘zbek-turk parallel korpuslari hamda milliy korpus, ta’lim korpuslari, o‘zbek va turk tillarining boshqa tillar kesimidagi parallel korpuslarini yaratishda material vazifasini o‘taydi.

**Tadqiqot natijalarining ishonchligi** muammoning aniq qo‘yilganligi, metodologik mukammalligi, tilshunoslikdagi eng so‘nggi ilmiy yutuqlardan foydalanilganligi, nazariy fikr va xulosalarning asoslanganligi hamda amaliyotga joriy etilganligi, shuningdek, tahlilga tortilgan til materiallari o‘zbek va turk tillarining lingvistik xususiyatlaridan kelib chiqqan holda xulosa qilish imkonini berganligi, faktik til materiallarining o‘zbek va turk tillaridagi nashr lug‘atlardan olinganligi dalillanganligi bilan izohlanadi.

**Tadqiqot natijalarining ilmiy va amaliy ahamiyati.** Tadqiqot natijalarining ilmiy ahamiyati o‘zbek va turk tillarida frazemalar shakllanishidagi umumiy va farqli belgilarning aniqlanganida, frazemalar semantikasida til egalari tafakkuri, idroki, baholash mezonlari belgilanganida, o‘zbek-turk frazemalari parallel korpusining kompyuter-texnologik usullari ishlab chiqilgani va teglash tizimi shakllantirilgani bilan belgilanadi.

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati shundaki, milliy korpuslar, ta’lim korpuslari ma’lumotlar bazasini shakllantirishda, avtomatik tarjima dasturlarida foydalanish mumkinligi, “Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi”, “O‘zbek tili tarixi”, “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanlari bo‘yicha o‘quv-metodik qo‘llanmalar va darsliklar yozishda, o‘zbek va turk tillari izohli hamda frazeologik lug‘atlarini takomillashtirishda muhim o‘rin tutishi bilan izohlanadi.

**Tadqiqot natijalarining joriy qilinishi.** O‘zbek va turk tillari frazemalari parallel korpusi ma’lumotlar bazasini shakllantirish bo‘yicha olingan natijalar asosida:

o‘zbekcha-turkcha frazemalarning ma’lumotlar bazasi, tadqiqot tahlillari davomida aniqlangan o‘zbekcha va turkcha frazemalarning tarjima ko‘rinishlari,

struktur-semantik, lingvokulturologik belgilari, razmetkalar tizimiga oid ilmiy xulosalardan Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetida 2019-2022-yillarda bajarilgan PZ-2020042022-raqamli “Turkiy tillarning lingvodidaktik elektron platformasini yaratish” mavzusidagi amaliy loyihada foydalanilgan (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetining 2023-yil 06-iyundagi 16-1106-son ma’lumotnomasi). Natijada o‘zbek va turk tillaridagi frazemalarning xususiyatlaridan turkiy tillar frazeologiyasining umumiy belgilari aniqlangan;

o‘zbekcha-turkcha frazemalarning ma’lumotlar bazasi, semantik xususiyatlari, semantik tasnifi, struktur-grammatik, tarkibiy tuzilishi, soma, zoonim, fitonim komponentli frazemalarning lingvokulturologik belgilari, o‘zbek va turk tillariga xos frazeologik ma’no, frazeosemantik maydon, frazemalarning funksional-uslubiy imkoniyatlariga doir ilmiy ma’lumotlardan Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetida 2019-2022-yillarda bajarilgan AM-F3-201908172-raqamli “O‘zbek tilining ta’limiy korpusini yaratish” mavzusidagi amaliy loyihada foydalanilgan (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetining 2023-yil 22-iyundagi 04/1-1261-son ma’lumotnomasi). Natijada o‘zbek tili ta’lim korpusining frazeologiya bo‘limiga oid qiyosiy tahlil asosidagi ma’lumotlar shakllantirilgan.

O‘zbek-turk frazemalarining parallel korpusini shakllantirishda Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur ijodidagi frazemalarning o‘rni haqidagi ilmiy ma’lumotlardan Sirdaryo viloyat teleradiokompaniyasining “Til–millat ko‘zgusi” ko‘rsatuvida foydalanilgan (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasining Sirdaryo viloyat teleradiokompaniyasi 2023-yil 25-avgustdagi № 222-son ma’lumotnomasi). Natijada Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur ijodidagi turk tiliga muvofiq keluvchi frazemalarning o‘rni haqidagi ma’lumotlar ko‘rsatuv saviyasini oshirishga xizmat qilgan.

**Tadqiqot natijalarining aprobatsiyasi.** Mazkur tadqiqot natijalari 6 ta xalqaro va 2 ta respublika ilmiy-amaliy anjumanlarda qilingan ma’ruzalarda jamoatchilik muhokamasidan o‘tkazilgan.

**Tadqiqot natijalarining e’lon qilinganligi.** Dissertatsiya mavzusi bo‘yicha 16 ta ilmiy ish chop etilgan. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya qilingan ilmiy nashrlarda 8 ta maqola, shundan 3 tasi xorijiy jurnallarda chop etilgan.

**Dissertatsiyaning tuzilishi va hajmi.** Dissertatsiya kirish, uch bob, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati va ilovadan iborat. Dissertatsiyaning umumiy hajmi 141 betni tashkil qiladi.

## DISSERTATSIYANING ASOSIY MAZMUNI

Kirish qismida tadqiqotning dolzarbligi va zarurati yoritilgan, maqsad va vazifalari, obyekt va predmetlari tavsiflangan, respublika fan va texnologiyalari

rivojlanishining ustuvor yo‘nalishlariga mosligi ko‘rsatilgan, tadqiqotning ilmiy yangiligi va amaliy natijalari, olingan natijalarning ilmiy va amaliy ahamiyati bayon qilingan, tadqiqot natijalarining amaliyotga joriy qilinishi, nashr etilgan ishlar va dissertatsiyaning tuzilishi bo‘yicha ma‘lumotlar keltirilgan.

Ishning I bobi **“O‘zbekcha-turkcha frazemalar parallel korpusi lingvistik ta‘minotining nazariy asoslari”** deb nomlangan bo‘lib, u ikki paragrafni o‘z ichiga oladi. *“Frazeologizmlarning qiyosiy-chog‘ishtirma aspektidagi tadqiqi”* deb nomlangan 1.1-§ da jahon tilshunosligi, turkologiya va o‘zbek tilshunosligida frazeologizmlarni turli aspektlarda tadqiq qilgan olimlar, ularning ishlari, qiyosiy hamda chog‘ishtirma tilshunoslikka oid olib borilgan tadqiqotlar va ularning mazmuni yoritilgan.

Axborot asrida madaniyatlararo muloqot, tillarni qiyoslash, chog‘ishtirish asosida umumiy va farqli jihatlarni aniqlash dolzarb masalaga aylandi. Dunyo tilshunosligidagi aksariyat tadqiqotlar frazeologizmlarning qiyosiy, chog‘ishtirma aspektidagi tadqiqiga bag‘ishlangan. Jumladan, ingliz va fransuz tillaridagi obrazli va motivlashgan frazeologizmlarning tematik-ideografik xususiyatlari lingvomadaniy jihatdan tadqiq etilgan<sup>55</sup>.

O‘zbek tilshunosligida Sh.Rahmatullayev frazeologizmlarning yondosh hodisalardan farqli hamda o‘xshash belgilarini ilmiy jihatdan asoslab, frazemalarni lug‘aviy birlik sifatida tavsifladi. Olim tomonidan frazemalardagi shakl va ma‘no munosabati, ko‘p ma‘nolilik, ma‘nodoshlik, antonimlik, shakldoshlik, variantdoshlik hodisalari tahlil qilindi. Frazeologik variantdoshlikning muhim belgilari ko‘rsatib berildi<sup>56</sup>. Sh.Rahmatullayev o‘zbek tili frazeologizmlarining semantik va struktur-grammatik xususiyatlarini nazariy jihatdan tahlil qildi. O‘zbek frazeologizmining amaliy ifodasi bo‘lgan izohli lug‘at yaratdi<sup>57</sup>.

Bir qator tadqiqotlarda o‘zbek tili frazemalari qiyosiy va chog‘ishtirma usulda o‘rganilgan. G.Ergasheva ingliz va o‘zbek tillari frazeologizmlari va paremiyalarini gender aspektida tadqiq etgan<sup>58</sup>. A.Nasirov fransuz, o‘zbek, rus tillaridagi proverbial frazeologizmlarning semantik-stilistik va milliy-madaniy xususiyatlarini tadqiq qilgan ekan, o‘zbek va fransuz tili frazeologizmlarida gender belgilarning ifodalanishiga ham e‘tibor qaratgan<sup>59</sup>. Sh.Raximova frazemalar tadqiqiga tarjimashunoslik nuqtayi nazaridan yondashib, ingliz tili idiomatik iboralarini o‘zbek tiliga o‘g‘irishning lisoniy xususiyatlarini tahlil qilgan<sup>60</sup>.

<sup>55</sup>Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларида образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (Лингвомаданий аспект). Филол. фан. б. фалс. док. дисс. автореф. –Тошкент, 2017. –Б.10.

<sup>56</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент: Фан, 1966. –262 б.

<sup>57</sup>Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. –Тошкент, 1993. –Б.8.

<sup>58</sup>Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 2011. –Б.119.

<sup>59</sup>Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провѳрбиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. автореф. –Тошкент, 2016. – 96 б.

<sup>60</sup>Рахимова Ш.П. Инглиз тили идиоматик ибораларини ўзбек тилига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. –Б.28.

Sh.Usmonova o‘zbek va turk tillaridagi frazemalarni qiyosiy planda o‘rgandi. O‘zbek va turk tillaridagi somatik frazeologizmlarning miqdori, ularning tarkibida faol qatnashgan somalarni aniqladi; o‘zbek va turk tillari somatik frazeologizmlarini struktur-semantik jihatdan tasnifladi; har ikki tildagi birikma va gapga teng frazemalarni muqobili mavjud va nomuqobil tarzda guruhlab, shakliy-mazmuniy o‘xshashlik va farqli tomonlarini yoritgan<sup>61</sup>. X.Xomidov turk tilidagi frazeologizmlarning shakllanishi, ma’no xususiyatlari, struktur-grammatik tuzilishiga oid tadqiqot olib borgan<sup>62</sup>.

Olib borilgan tadqiqotlar o‘zbek frazeologiyasini keng ko‘lamda o‘rganish, lisoniy belgilarini dunyo tillari bilan solishtirish va o‘ziga xosliklarini aniqlash imkonini beradi.

1.2-§. “*Parallel matnlar korpusining tarkibi va tuzilishi*”. Ushbu paragrafda kompyuter lingvistikasi, korpus lingvistikasining dunyo ilmida shakllanishi, parallel korpuslar va ularning ko‘rinishlari haqida so‘z yuritilgan. Korpus lingvistikasining shakllanishi XX asrning 60-yillariga to‘g‘ri keladi. Dastlabki korpus ingliz tilida J.Sinkler<sup>63</sup> tomonidan yaratilgan. Keyinchalik shakllangan rus korpus lingvistikasi mashina tarjimasini bilan bog‘liq. A.N.Baranov, V.P.Zaxarov, Y.V.Nedoshivina, K.Boyerskiy, N.Kozlovalar korpus, uning turlari, o‘ziga xos xususiyati, korpus tuzish tamoyillari borasida tadqiqot olib borishgan<sup>64</sup>.

O‘zbek tilshunosligida ham korpus lingvistikasi bo‘yicha qator ishlar amalga oshirilmoqda. Bu sohada ilmiy izlanishlar olib borayotgan B.Mengliyev, S.Muhamedova, Z.Xolmanova, L.Raupova, N.Abdurahmonova, M.Abjalova, G.Toirova, M.Xolova, A.Eshmuminov, N.G‘ulomovalarning ishlari diqqatga sazovor<sup>65</sup>.

---

<sup>61</sup>Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1998. – 162 б.

<sup>62</sup>Хомидов Х. Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. –151 б.

<sup>63</sup>Эшмунинов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2019. –Б.6.; Синклер Ж. Предисловие к книге «Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка»/ Ж. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.ruscorpora.ru/corpora-infro.html>, свободный.

<sup>64</sup>Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. –360 с.; Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – СПб., 2005. –48 с.; Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – СПб., 2006. –26 с.; Боярский К. Введение в компьютерную лингвистику. –СПб., 2013. –73 с.; Козлова Н.В. Лингвистические корпуса: определение основных понятий и типология. Вестник НГУ. Серия: Лингвистическая и межкультурная коммуникация. 2013.Т., 11. Выпуск 1. –С.79-88.

<sup>65</sup>Мухамедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. –Тошкент, 2006; Абдурахмонова Н. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти. (Содда гаплар мисолида) Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. –Тошкент, 2018. –160 б.; Abjalova M. Korpus lingvistikasi. Uslubiy qo‘llanma. –Toshkent: Bookmany print, 2022. –104 б.; Эшмунинов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2019. –46 б.; Тоирова Г.И. Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари. Филол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. –Бухоро, 2021. –72 б.; Холова М. Ўзбек миллий шевалари корпусини тузишнинг лингвистик асослари. (Бойсун тумани “ж” ловчи шевалар мисолида). Филол. фан. б. фалс. док. дисс.–Термиз, 2022. –137 б.; G‘ulomova N.S. Alisher Navoiy mualliflik korpusi va uning semantik teglari bazasini yaratish (“Badoye’ ul-vasat” devoni asosida). Filol. fan. b. fals. dok (PhD) diss. avtoref. –Toshkent, 2023. –58 b.

Sh.Hamroyeva<sup>66</sup>, A.Eshmuminov<sup>67</sup>, G.Toirova<sup>68</sup>, A.Raxmonova<sup>69</sup>larning tadqiqotlarini korpus lingvistikasi bo'yicha olib borilgan dastlabki ishlar sirasiga kiritish mumkin. R.Karimov o'zbek-ingliz parallel korpusini tuzishning lingvistik va dasturiy masalalarini o'rgandi, ishda o'zbek-ingliz parallel korpusini tuzishning nazariy asoslari, material tanlash tamoyillari, lingvistik va ekstralingvistik teglash masalalarini yoritdi<sup>70</sup>.

Korpus turlari orasida parallel korpuslar tillar o'rtasidagi ma'lumot almashuvida muhim o'rin tutadi. Parallel matnlar korpusi badiiy asar, qo'llanma, ommaviy axborot vositalari, turli hujjatlarning ikki yoki undan ko'p tillardagi elektron ko'rinishlaridir. Masalan, *Gigaword corpora*: ingliz, arab, xitoy tillarini qamrab olgan bo'lib, 2 milliard so'zdan tashkil topgan. *Aquis ommunautaire* dunyodagi eng katta parallel matnlar korpusidir. Hozirda rus tili bilan ingliz, nemis, yapon, fin, slovak tillaridagi matn xususiyatlarini aks ettiruvchi parallel korpuslar yaratilgan<sup>71</sup>.

Parallel korpus – bu L1 tilidagi asl matnlar to'plami va ularning L2 ... Ln tillardagi tarjima matnlar to'plamlarini o'z ichiga olgan korpus. Parallel korpuslar tarjima dasturi asosidagi korpuslar bo'lib, asliyat tilidan maqsad tiliga o'girish tamoyiliga asoslanadi. Parallel matnlar korpusi ikki tilli– bilingual (o'zbek-ingliz, rus-ingliz) va ko'p tilli–multilingual (rus-ingliz-fransuz) bo'lishi mumkin. Aksariyat hollarda parallel korpus faqat ikkita tildagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

Axborot asrining bugungi zamon bilan hamnafas talablari avtomatik tarjima dasturlarini takomillashtirishni taqozo qiladi. Bu esa, avtomatik tarjima dasturlarining ma'lumotlar bazasini kengaytirish, turli ko'rinishdagi matnlar korpusini shakllantirish, parallel matnlar korpusi lingvistik ta'minotini yaratishni kun tartibiga qo'yadi.

Dunyo internet tizimida mavjud parallel korpuslar orasida frazemalar tarjimasiga asoslangan parallel korpuslar ham mavjud: *Europhras 3 korpus*: ingliz, nemis va ispan tillaridagi frazemalarning keng ko'lamli parallel korpusidir. Unda 25000 dan ortiq frazemalar va ularning tarjimalari mavjud; *Proyecto Fase korpusi*: ingliz va ispan frazemalarining parallel korpusi bo'lib, 2500 dan ortiq qo'lda tarjima qilingan va moslashtirilgan frazemalarni; *ColloCaid Corpus*: ingliz va nemis tibbiy frazemalarining parallel korpusi bo'lib, 1500 dan ortiq frazemalar va ularning

---

<sup>66</sup>Хамроева Ш.М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2018. –54 б.

<sup>67</sup>Эшмунинов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2019. –46 б.

<sup>68</sup>Тоирова Г.И. Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари. Филол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. –Бухоро, 2021. –72 б.

<sup>69</sup>Рахмонова А. Ўзбек тили миллий корпусини яратишда компьютер усуллари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2022. –137 б.

<sup>70</sup>Каримов Р. Ўзбек-инглиз параллел корпусини тузишнинг лингвистик ва дастурий масалалари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. –Бухоро, 2022. –56 б.

<sup>71</sup>Рахмонова А. Ўзбек тили миллий корпусини яратишда компьютер усуллари. Филол. фан. б. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2022. –Б.30.

tarjimalarini; *PhraseBank korpusi*: ingliz va arab frazemalarining parallel korpusi bo‘lib, 5000 dan ortiq iboralar va ularning tarjimalarini o‘z ichiga olgan<sup>72</sup>.

Ishning II bobi “**O‘zbekcha-turkcha frazemalar parallel korpusi lingvistik ta’minotining kompyuter-texnologik asoslari**” deb nomlangan.

2.1-§. “*O‘zbekcha va turkcha frazemalar korpusiga oid ma’lumotlar bazasining tarkibi*”. Mazkur paragrafda qardosh o‘zbek va turk tillarining kelib chiqishi, shakllanishi, rivojlanishi va o‘zaro aloqadorligi, frazemalar korpusiga oid ma’lumotlar bazasining tarkibiy xususiyatlari haqida fikr bildirilgan. Ma’lumotlar bazasining frazemalarni diaxron aspektida o‘rganishdagi amaliy ahamiyati, shevalarda, buyuk mutafakkirlar asarlarida turkiy tillar, xususan, turk tiliga xos tarixiy frazemalar, barqaror birikmalar taraqqiyotiga xos xususiyatlarning saqlanishi hamda lingvistik ta’minotni boyitishdagi o‘rni ko‘rsatib berilgan.

O‘zbekcha-turkcha frazemalar korpusining ma’lumotlar bazasi mazkur tillardagi turg‘un birikmalar, frazeologizmlar lug‘ati<sup>73</sup>, “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”<sup>74</sup>, so‘zlashuv uslubidagi va o‘zbek shevalaridagi hamda mumtoz asarlar matnidagi frazemalarni qamrab oladi.

Alisher Navoiy va Bobur asarlarida eski o‘zbek adabiy tilidagi umumturkiy so‘zlar, lug‘aviy birliklar keng qo‘llangan, xususan, iboralar ham faol ishlatilgan. Mazkur lug‘aviy birliklarning aksariyati hozirgi o‘zbek tili va qardosh turkiy tillar va shevalarda ishlatiladi. Masalan, Alisher Navoiy ijodida qo‘llangan [*bosh olib ket*] = “butunlay chiqib ketmoq, tashlab ketmoq” frazemasini “Boburnoma”da [*bosh olib yitmak*] shaklida qo‘llangan. “Dedikim, mundaq dushvorliq bila tirilguncha *bosh olib yitsam yaxshi*”<sup>75</sup>. Bu ibora hozirgi o‘zbek tilida ham, turk tilida ham inson ruhiy holatini ifodalash uchun qo‘llanadi: *Başını alıp gitmek. Kimseye danışmadan ve nereye gideceğini kimseye bildirmeden çevresindekilerle ilgisini kesip bulunduğu yerden uzaklaşmak* (ÖAk. 122). “*Dağarında her perdeden şarkılar, Tizi de var pesi de var. Başını alıp gitme, Kavuşunca âşıklar, biter tüm yolculuklar*” O.İ.G<sup>76</sup>.

O‘zbekcha-turkcha frazemalar korpusi turkiy tillar o‘rtasidagi parallel korpusning dastlabki namunalaridan biri hisoblanadi. Bu korpus mazmunidan kelib chiqqan holda *Uzturkfraz parallel korpusi*, deb nomlandi.

2.2-§. “*O‘zbekcha va turkcha frazemalar korpusi ma’lumotlar bazasini shakllantirish texnologiyasi va modellashtirish*” masalalariga bag‘ishlangan. A. Baranov korpus lingvistikasining asosiy tushunchalari, matnlar korpusi, muammolar sohasi, ma’lumotlar bazasi, korpus ma’lumotlarini saqlash birliklari, tadqiqotlar korpusi, illyustrativ korpuslar, dinamik va statik matnlar korpusini

<sup>72</sup><https://opus.nlpl.eu/>; Website: <http://www.euophras.org/resources/corpora/>; ColloCaid Corpus: Website: <https://www.collocaid.uk/>; PhraseBank Corpus; Website: <https://www.phrasebank.ac.uk/>; Proyecto Fase Corpus; Website: <https://www.uam.es/proyectosinv/fase/>

<sup>73</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. –380 б.; Rahmatullayev va boshqalar. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati. –Toshkent: Gafur Gulom, 2022. –676 b.; Aksoy Ö. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü II. Deyimler Sözlüğü. Dördüncü baskı. –Ankara: Türk dil kurumu, 1984. –575 s.

<sup>74</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.

<sup>75</sup>Бобурнома. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.162.


<sup>76</sup>William Shakespeare, On ikinci geçe, Türkiye Bankası Kultur Yayınlan (İngilizçe aslından çeviren Sevgi Sanlı) Aralık 2004, İstanbul. –S.34.



da, turli semantik doiralarga yoki kontekstlarga tegishli bo‘lishiga ko‘ra farqlanadi. Frazemalar tarjimasining murakkabligini quyidagilar bilan izohlash mumkin:

1. Frazemalar murakkab struktur-grammatik xususiyatga ega bo‘ladi, ya’ni ikki va undan ortiq tarkibdan tashkil topadi. Bu esa mashina tarjimasini uchun bir so‘z tarjimasiga qaraganda murakkab hisoblanadi. 2. Frazemalar tarkibi shakl va mazmun jihatdan aloqador bo‘ladi, ko‘p hollarda ma’lum bir grammatik shakllar orqali bog‘lanadi. 3. Frazemalar tarkiblari ma’nosidan yaxlit, uyg‘un yangi lug‘aviy ma’no yuzaga keladi. Bu ma’noni anglash esa avtomatik tarjima jarayoni uchun qiyin kechadi. 4. Frazemalarda madaniy belgilar, qarashlar, qadriyatlar o‘z ifodasini topadi. Bu xususiyatlar frazema ma’nosida aks etadi.

